

AGR



IQTISODIYOT



3-4
2021

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Т.ФАРМАНОВ, Н.АСКАРОВ, З.ФАРМОНОВА.** Дукқакли дон экинларини етиштиришда қўшилган қиймат занжирининг шаклланиши ва уни ошириш йўллари
7. **Ғ.ДУСМУРАТОВ.** Аграр илмий тадқиқотларда давлат-хусусий шерикчилик механизмлари
11. **Х.ХУЖАКУЛОВ.** Аграр секторда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати ва динамикасининг статистик таҳлили
14. **С.ГАППАРОВ, А.МИРЗАЕВ.** Томчилатиб суғориш технологияси самарадорлигини баҳолаш бўйича дала тадқиқотлари
17. **М.ЭРХОНОВА.** Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизими-да хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш
20. **К.КАЛЕНОВ, Б.КАЛИМБЕТОВ.** Финансовое значение сельскохозяйственного страхования
23. **Б.МАМАТКУЛОВ.** Фермер хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ этиш – озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили
27. **З.АЛЛАБЕРГАНОВ.** Суғурта тизимида ўзаро суғурталаш амалиётини ривожлантиришнинг илмий асослари
30. **G.SAMIYEVA.** Dehqon xo'jaliklarida ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash istiqbollari
33. **А.АБДУЛЛОЕВ, Н.ОДИНАЕВА, М.ТЕШАЕВ.** Фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш
36. **Г.БАЙМУРАТОВА.** Суғурта ташкилотларининг молиявий riskларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар
38. **Қ.ЖУМАЕВ, Х.ХУЖАКУЛОВ.** Республика аграр сектори ривожланишининг статистик таҳлили
42. **Ж.ФАРМАНОВ.** Асаларичилиқ тармоғини ривожлантиришда Хитой тажрибаси ва уни мамлакатимиз шароитида жорий этиш имкониятлари
45. **У.ЗАЙНУТДИНОВА.** Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш методологисини такомиллаштириш
48. **Қ.УТЕГЕНОВ.** Қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигининг лизинг модели
51. **О.БАҒОЕВ.** Молиявий барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалалари
54. **С.ГАББАРОВ.** Яйловлар самарадорлигини оширишда ахборот технологияларнинг тутган ўрни
56. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ, Ф.ЭРҒАШЕВА.** Хусусий капитал таҳлилин ташкил этиш ва капиталнинг ўсишини таъминлаш йўллари
59. **Ш.ДЕҲҚАНОВА, Н.МУСАЕВА.** Мамлакатимизда картошка етиштириш ва уни сотишнинг долзарб масалалари
62. **Н.ЯКУБОВА.** Бизнес-процесс в страховой деятельности во взаимосвязи с глобальными трендами: специфика и оптимизация
66. **Л.НУРИДДИНОВ.** Тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, уларни амалга ошириш ва тижорийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари
69. **D.SABIROVA.** Iqtisodiyotni raqamlashtirish – davr talabi
72. **Ж.ИСАКОВ, У.ЭЛЬБУСИНОВА, Н.БОЗОРОВА, А.НУРМУХАММЕДОВ.** Яширин иқтисодиётнинг молия-кредит тизимига таъсирининг таҳлили
74. **А.УМУРЗАКОВА.** Ўзбекистон банкларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари
77. **А.ҚОДИРОВ.** Худудларда экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашув
80. **М.ДУСТОВА, Ж.ФАРМАНОВ.** Фермер хўжаликларида агросервис хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
84. **A.BOLTAYEV, U.KARAYEVA.** Hisob siyosati va unda biologik aktivlar hisobiga oid siyosatni takomillashtirish
87. **Г.БАЙМУРАТОВА, Н.ЯКУБОВА.** Молиявий riskларни баҳолаш усуллари ва бошқарув ёндашувлари
90. **Ж.РАЗЗАҚОВ.** Инвестиция лойиҳаларини синдириштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштириш
93. **З.ИШНИЯЗОВ.** Пахта хом-ашёсини етиштиришда иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишлари
95. **О.АЗИЗОВ.** Истеъмол инфляциясининг ўлчов даражаси: Хориж тажрибаси ва таҳлил
98. **М.БАБАДЖАНОВА.** Иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири таҳлили
101. **А.ТУРСЫНОВ.** Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш борасидаги хориж тажрибаси
104. **Н.ХАЛЛИЕВА.** Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлигининг ўзига хос жиҳатлари
107. **Х.ЯКУБОВА.** Деҳқон хўжаликлар ва томорқа ер эгаларини имтиёзли кредитлашнинг объектив зарурлиги
110. **А.УМУРЗАКОВА, А.УМУРЗАКОВ.** Ўзбекистонда банклар фаолиятини инновацион ривожлантириш
113. **Э.РАББИМОВ.** Рақамли иқтисодиёт шароитида реклама хизматлари бозорини ривожлантиришнинг институционал асослари
117. **Н.МУСАЕВА, Ш.ДЕҲҚАНОВА.** Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш
120. **Ф.ПОЛВОНОВ.** Деҳқон хўжаликларида етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг қишлоқ хўжалигидаги улуши
122. **И.БАКИЕВА.** Агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион ривожланишнинг ўрни
124. **Ж.РОЗИҚОВ.** Мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлили
127. **Б.ХАЖИЕВ.** Кластер-интеграциянинг янги шакли, замонавий инновация, таваккалчиликни камайтириш ва иқтисодий ўсиш омили
130. **Ш.ҚАРИШИЕВ.** Озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари
132. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Қишлоқ хўжалигига инновацион маҳсулотларни жалб этиш муаммолари
134. **А.МУХТОРОВ, З.МУХТОРОВА.** Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари

бекистон Республикаси Банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунга синдициялаштирилган кредитлар бўйича алоҳида бўлим киритилиш ва тижорат банклари кредит сиёсати шу асосда такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ;

2. Тижорат банкларида йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш рискларини бошқаришда риск менежментини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш

3. Тижорат банкларида инвестицион лойиҳалар бўйича мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес – режаларнинг мукамал ишланиши ва уларнинг банклар томонидан етарли даражада иқтисодий ва молиявий таҳлил этилиши ва лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаб берувчи замонавий дастурий таъминотни амалиётга жорий этилиши лозим.

4. Тижорат банкларининг халқаро молия бозорларидаги фаолиятини ҳар томонлама фаоллаштириш лозим, бунда Ўзбекистон банклари евробонд чиқаришни фаоллаштириши лозим ва шу орқали халқаро молия бозорларда уларнинг транспарентлигини ошириш мақсадга мувофиқ.

5. Синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширувчи ташкилотчи банк ва шерик-банклар ўртасида ягона интеграцияланган коммуникация (маълумот алмашиш) тизимини ишлаб чиқиш ва амалиёига жорий этиш зарур.

6. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосий устувор йўналишлардан эканлигини ҳисобга олиб, синдициялаштирилган кредитлаш таклифлари бўйича Ягона интерактив порталини барпо этиш ва унда “Лойиҳалар фабрикаси” контентини яратиш ҳамда банкларда кредитларнинг муаммога айланиш белгиларини олдиндан аниқлашнинг автоматлаштирилган тизимини йўлга қўйиш бугунги куннинг талабидир.

7. Махаллий банкларимизнинг йирик лой-

иҳаларни молиялаштиришда ички ўзаро синдикат ташкил этишлари учун банклараро ўзаро ишончни шакллантириш ва банкларда молиявий ресурсларни жалб этишда бозор механизмларини жорий этиш даражасини ошириш орқали уларнинг ресурс базасини муостаҳкамлаш ва рақобатбардошлик даражасини ошириш лозим.

8. Ўзбекистонда давлат банкларини хусусийлаштириш ва банк бозорида тенг ва адолатли рақобатни шакллантириш жараёнини тезлаштириш ва хорижий банкларнинг филиал ва шўъба банкларини кириб келишига шароитлар яратиш мақсадга мувофиқ.

9. Тижорат банкларининг халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда бухгалтерлик ҳисобини юритиши ва анъанавий тарзда кореспондент муносабатлар шаклда салоҳиятли чет эл кредиторлар билан узвий алоқаларга чиқишлигини таъминлаш орқали, давлат банклари синдицияланган кредитларни инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқишни қўлаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш ҳамда юқори технологияли ва сармоя талаб этадиган экспорт маҳсулотларини бозорга жойлаштиришга, хусусий банклар эса – турли кредит дастурлари ва мижозларнинг ташқи савдо шартномаларни молиялаштириш учун жалб қилишлари мақсадга мувофиқ.

10. Мутаносиб тақсимлаш тамойилига, яъни синдикат аъзолари томонидан ҳисобга олиш, суд ишлари ва бошқа тақсимот натижасида олинган ҳар қандай тўловлар синдикат иштирокчилари ўртасида мутаносиб равишда тақсимланиши;

11. Кредиторнинг ҳуқуқини бериш имконияти. Синдициялаштирилган кредит шундай шаклланиши лозимки, кредиторлар ўз улушини иккиламчи бозорга қўйиш имкониятига эга бўлиши каби тамойиллар асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Armstrong J. The syndicated Loan Market: Developments in the North American Context.// Bank of Canada Working Paper 2003-15, June 2003.
2. А.Г.Грязновой д.э.н. проф, под редакцией коллектива авторов под общей редакцией Финансово-кредитный энциклопедический словарь, М.: “Финансы и статистика”, 2002, 418, 886 с.
3. Д.Ғ.Ғозибеков Инвестицияларни молиялаштириш масалалари .-Т: Молия нашриёти, 2003 йил 332 бет
4. Довгялло М.В., Синдцированное кредитование, -М.: Фонд “Институт экономики города”, 2000-с.6.
5. C. Pass, D. Lowes, A. Pendleton, L. Chadwick. Collins Dictionary of Business- Harper Collins Publishers, 3rd Edition, 2000.- P.430
6. Н.Ғ. Каримов. Иқтисодий интегратсиялашув шароитида инвестициялар фаолиятининг молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Т “Fan va texnologiyalari” 2007

ПАХТА ХОМ-АШЁСИНИ ЕТИШТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ Йўналишлари

Зохид ИШНИЯЗОВ,

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ- овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, рентабеллик даражаси таҳлил этилган ҳолда Самарқанд вилоятида пахта хом-ашёсини етиштиришнинг молиявий кўрсаткичлари тадқиқ этилган ҳамда тармоқни барқарор ривожлантириш учун таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, рентабеллик даражаси таҳлил этилган ҳолда Самарқанд вилоятида пахта хом-ашёсини етиштиришнинг молиявий кўрсаткичлари тадқиқ этилган ҳамда тармоқни барқарор ривожлантириш учун таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract. The article analyzes the economic efficiency and profitability of cotton production in the country, examines the financial performance of raw cotton production in Samarkand region and develops proposals for the sustainable development of the industry.

Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фани ва техника тараққиёти ютуқларидан, янги илғор тажрибалардан пахтачилик соҳаси фаолиятига кенг жорий этиш ишлаб чиқаришда ресурслардан фойдаланиш танқислиги тобора яққолроқ сезилаётган, уларнинг сифат даражаси ёмонлашиб, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини салбий оқибатларга олиб бораётган бир пайтда, пахтачилик тармоғи ривожининг муҳим асоси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодиётини илм-фан тараққиёти асосида ривожлантириш борасида олимлар томонидан эришилган ютуқлар замирида пайдо бўлаётган экологик муаммолар туфайли, етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳаво, ичимлик суви таркибида инсонлар соғлиги учун зарарли кимёвий бирикмалар кўпайиши, ернинг мелиоратив ҳолатини йилдан йилга ёмонлашуви юзага келмоқда.

Шу жиҳатдан бугунги кун қишлоқ хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида иқтисодий самарадорликка эришишда долзарб вазифаларга дуч келмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида иқтисодий самарадорликни таъминловчи янги технология, агротехник тадбирлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни амалиётга доимий равишда жорий этиб боришни талаб этмоқда.

Пахтачилик соҳасини ривожлантириш Самарқанд вилоятида интенсив омиллардан фойдаланган ҳолда юз бермоқда. Жумладан, республика бўйича пахта экин майдонлари

миқдорини қисқартириш йўналишида амалга оширилаётган тадбирлар асосида вилоятда ҳам пахта майдонларини қисқартирилиши кузатилмоқда. (1-жадвал)

Хусусан, 2010 йилда вилоят бўйича жами пахта экин майдони 99,2 минг гектарни ташкил этган бўлса 2020 йилга бу кўрсаткич 75,6 минг гектарни ёки 23,8 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Айни пайтда пахтачиликда ҳосилдорлик кўрсаткичлари ортиб борганлигини кўзатиш мумкин. Яъни, таҳлил қилинаётган йилларда пахта ҳосилдорлиги 24,5 центнердан 30 центнерга ёки 122,4 фоизга ортган. Айни пайтда ялпи ҳосил 243,2 минг тоннадан 226,8 минг тоннага ёки 6,8 фоизга камайган.

Бозор тамойиллари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш бозор қонуниятларига бўйсинадиган шароитда барча омиллар таъсири тенг бўлган вазиятларда пахта ҳосилдорлиги ортиб бориши пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг самарали фаолият юритиши асосини ташкил этади. Чунки, пахтачилик соҳасида экин майдон қисқариши, 1 гектар экин майдон ҳисобига тўғри келадиган ўзгармас харажатлар миқдори юқорилиги боисдан, маълум ҳосилдорликка эришилгандан сўнггина пахта етиштириш хўжаликларига фойда келтиради. Шу сабаб, пахта ҳосилдорлигини ошириб боришга эътибор қаратиш лозим. Бу ҳолатда, ҳар бир ҳудуд учун мос келадиган ғўза навларини тўғри жойлаштириш, агротехник тадбирларни илмий асосланган ҳолда сифатли ўтказиш, пахта

Калит сўзлар: пахта етиштириш, иқтисодий самарадорлик, турмиш даражаси, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, пахтачилик тармоғи, илм-фан тараққиёти.